

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**“АХБОРОТ СОАТИ”**  
**МАТЕРИАЛЛАРИ**

**Ҳафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари**  
*(2015 йил 16 ноябр –21 ноябр)*

**№11**

**Тошкент – 2015**



Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг таклифига биноан Покистон Ислон Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф 17 ноябрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Кўксарой қароргоҳида Покистон Ислон Республикаси Бош вазирини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислон Каримов ва Навоз Шариф шоҳсупага кўтарилдилар. Икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради. Ўзбекистон Президенти ва Покистон Бош вазири фахрий қоровул сафи олдиан ўтдилар.

Ислон Каримов ва Навоз Шариф учрашувида асосий эътибор мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш масалаларига қаратилди. — Ўзбекистон Покистонга нафақат яқин қўшни мамлакат, балки улкан сиёсий-иқтисодий,

харбий-техникавий ва инсоний салоҳияти, қулай геосиёсий ўрни ва вазмин ташқи сиёсати туфайли минтақада, муҳим халқаро масалаларни ҳал этишда етакчи роль ўйнаётган давлат сифатида қарайди. Ушбу расмий ташрифингизни узоқ муддатли Ўзбекистон — Покистон муносабатларида муҳим янги босқич, мамлакатларимиз икки томонлама, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ўзаро ишонч ва очиқлик руҳидаги олий даражадаги музокараларни давом эттиришга, кўп қиррали ва манфаатли ўзаро ҳамкорлигимизни янада ривожлантиришга тайёр эканининг ёрқин ифодаси деб биламиз, — деди Президентимиз.

— Ўзбекистондек буюк мамлакатга яна бир бор ташриф буюрганимдан ҳаят мамнунман. Муҳтарам Президент, Сизнинг оқилона ва узоқни кўзлаган сиёсатингиз самарасида Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорлик таъминланмоқда, барча соҳалар изчил тараққий этмоқда. Халқаро иқтисодиётдаги мураккабликларга қарамай, Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг ўсиши кейинги йилларда 8 фоиздан зиёд бўлиб келаётгани бунинг тасдиғидир. Олий даражадаги мулоқотларнинг мунтазамлиги самарасида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни, хавфсизлик борасидаги ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлаш, энергетика соҳасидаги алоқаларимизни кенгайтиришнинг янги имкониятлари пайдо бўлмоқда, — деди Покистон Бош вазири.

Ўзбекистон Республикаси ва Покистон Ислом Республикаси ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йил 10 майда ўрнатилган. Турли даражадаги сиёсий мулоқотлар мунтазамлик касб этган. Бу ҳамкорликни изчил ривожлантириш, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар бўйича ёндашувларни мувофиқлаштириб бориш имконини бермоқда.

Ўзбекистоннинг улкан иқтисодий салоҳияти, геостратегик ўрни, ривожланган инфратузилмаси Покистон учун муҳим аҳамиятга эга. Покистон минтақавий хавфсизликни таъминлашдаги ўрни, денгиз портларига чиқиш имконияти, йирик бозори билан Ўзбекистон учун истиқболлидир.

Икки мамлакат халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Шу йил июль

ойида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Уфа шахрида бўлиб ўтган саммитида Покистонни ШХТга қабул қилиш жараёнини бошлаш бўйича қарор имзоланди. Бу мамлакатларимизнинг ўзаро ва кўп томонлама ҳамкорлигини ривожлантиришда яна бир муҳим омил бўлади.

Ўзбекистон ва Покистон Афғонистоннинг яқин қўшнилари сифатида бу мамлакатда тинчлик ўрнатилиши ва барқарорлик таъминланишидан манфаатдор. Бу мамлакатларимиз ўртасида тўғридан-тўғри транспорт тармоқларини барпо этиш, савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш учун имконият яратади.

Ислом Каримов ва Навоз Шариф ўзаро ҳамкорлик ривожига бевосита дахлдор бўлган мазкур масалага алоҳида эътибор қаратдилар. Афғонистон муаммосини фақат бир йўл — БМТ шафелигида тинч сиёсий музокаралар ўтказиш ва ўзаро курашаётган томонларни муросага келтириш орқалигина ҳал этиш мумкинлиги ҳақида яқдил фикр билдирилди.

Минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, терроризм, экстремизм, наркотрафик каби таҳдидларга қарши курашиш борасидаги ҳамкорликка доир масалалар муҳокама қилинди.

Музокарада савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатларимиз ўртасида турли соҳаларга оид 42 ҳужжат имзоланган. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик, ўзаро инвестицияларни рағбатлантириш ва капитал қўйилмаларни ҳимоя қилиш, даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф қилишга оид битимлар савдо-иқтисодий алоқалар ривожига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Покистонга пахта толаси, кўнчилик хом ашёси, транспорт ва туризм хизматлари экспорт қилади. Покистон мамлакатимизга дори воситалари, кимё ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб беради, транспорт хизмати кўрсатади.

Мамлакатимизда Покистон капитали иштирокида 57 корхона ташкил этилган. Улар савдо, тўқимачилик, кўнчилик, озиқ-овқат, қоғоз ишлаб чиқариш, транспорт ва туризм соҳаларида фаолият юритмоқда. Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Халқаро инвестициявий

форумда покистонлик ишбилармонлар фаол катнашди.

Музокарада ўзаро товар айланмаси Ўзбекистон билан Покистоннинг иқтисодий салоҳияти ва кенг имкониятлари даражасида эмаслиги таъкидланди. Фойдаланилмаётган ресурсларни ишга солиш, савдо айланмаси ҳажмини ошириш ва диверсификациялаш масалалари муҳокама қилинди. Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Покистон ҳукуматлараро комиссияси ишини фаоллаштириш, унинг мажлисларини мунтазам ўтказишга келишиб олинди.

Томонлар Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги ҳамкорлик ривожини нафақат мамлакатларимизнинг узоқ истиқболли манфаатларига хизмат қилиши, балки бутун минтақада хавфсизликни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, коммуникация ва гуманитар алоқаларни ривожлантиришга ижобий таъсир этишини алоҳида таъкидладилар.

Ўзбекистон ва Покистон тарихи бир-бирига боғлиқ, аجدодларимиз илмий-ижодий мероси халқларимизнинг умумий мулкига айланган. Бундай яқинлик маданий-гуманитар алоқалар ривожига мустаҳкам асос бўлмоқда. 1991 йилдан буён фаолият юритаётган “Ўзбекистон — Покистон” дўстлик жамияти томонидан кўплаб илмий-маданий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Икки мамлакат вакиллари Ўзбекистон ва Покистонда ўтказиладиган турли концертлар, фестиваль ва кўрғазмалар, спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб келмоқда. Хусусан, покистонлик санъаткорлар Самарқандда ўтадиган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалида мунтазам катнашиб келади.

Покистонда Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишлаб илмий-амалий конференциялар ўтказилган. Кўплаб ўзбек олимлари, шоир ва ёзувчиларининг асарлари урду тилига таржима қилинган. 2009 йилда Тошкент давлат шарқшунослик институтида урду тили ва адабиёти кабинети ташкил этилган. Институт мутахассислари томонидан “Урдуча-ўзбекча луғат” ҳамда “Ўзбек ва урду тилларидаги умумий сўзлар луғати” чоп этилган.

Мамлакатларимиз сайёҳлик соҳасида ҳам улкан имкониятларга эга. Покистонда Ўзбекистондаги тарихий обидалар, муқаддас қадамжоларни кўришни хоҳловчилар кўп.

Музокаралар якунида Ислон Каримов ва Навоз Шариф Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислон Республикаси ўртасидаги Қўшма декларацияни имзоладилар. Шунингдек, ўзаро савдо муносабатларини ривожлантириш, солиқ соҳасида қўшимча имтиёзлар яратиш, ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир қатор ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон Президенти ва Покистон Бош вазири оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда очик ва амалий руҳда ўтган музокараларда ўзаро алоқаларни ривожлантиришнинг муҳим масалалари, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашилганини таъкидладилар. Ушбу ташриф ва унда эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасидаги узок муддатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик ривожиди янги саҳифа очиши, унга қўшимча суръат бағишлаши қайд этилди. Покистон Ислон Республикасининг Бош вазири Муҳаммад Навоз Шарифнинг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

---

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кенгашининг мажлиси тўғрисида ахборот**

2015 йил 19 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси Н. Йўлдошев олиб борди. Кенгаш Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлисини шу йилнинг 3 декабрь куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилди. Сенат ялпи мажлисининг муҳокамасига аҳоли турмуш даражасининг янада оширилишини ва унинг ижтимоий ҳимоя қилиниши кучайтирилишини, иқтисодиётнинг юқори ҳамда барқарор суръатларини, аҳоли бандлигини таъминлашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги, шунингдек, 2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисидаги масалаларнинг киритилиши режалаштирилмоқда. Сенат ялпи мажлисининг кун тартибига мамлакат сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳасини -босқичма-босқич ислоҳ қилишга ва эркинлаштиришга, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилган тузатишларни амалга

оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг қатор қонунлари киритилмоқда. «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси (янги таҳрири) қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги, «Ветеринария тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлар ҳамда демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришни, давлат қурилиши асосларини мустаҳкамлашни, инвестиция имкониятлари ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашни, тадбиркорликни ривожлантиришни, шу жумладан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали ривожлантиришни, аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги қўриқланиши таъминланишини, суд-ҳуқуқ соҳаси такомиллаштирилишини назарда тутувчи қонунлар шулар сирасидандир. Шу билан бирга, навбатдаги ялпи мажлисда сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини муҳокама қиладилар. Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилади. Олий Мажлис Сенати қўмиталарининг ва Девонининг тўртинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир ишларини мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан тегишли ишчи гуруҳ тузилди.

---

#### **Жаҳон стандартига мос маҳсулотлар**

Кейинги йилларда мамлакатимизда саноатнинг барча йўналиши, айниқса, чарм-пойабзал тармоғида жадал ривожланиш суръатлари кузатилмоқда. Бунда соҳа раванкига

қаратилаётган алоҳида эътибор, тадбиркорларга яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлар муҳим омил бўлаётир.

Натижада чет эл сармояси иштирокида кўплаб замонавий корхоналар бунёд этилиб, ички ва ташқи бозорда рақобатдош бўлган маҳсулотлар тайёрланаяпти. Жорий йилнинг тўққиз ойида юқори қўшимча қийматга эга чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 22 фоиз ўсгани бунинг яққол тасдиғидир.

Тошкент шаҳрида “Ўзбекчармпойабзали” уюшмаси томонидан ташкил этилган анжуманда ана шу ҳақда сўз юритилди.

Таъкидландики, юртимизда мазкур соҳани ривожлантириш имконияти юқори бўлиб, муҳим хом ашё — тери ниҳоятда сероб. Яъни йилига ўртача 12 миллион дона тери олинади.

Уларни чуқур қайта ишлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли аҳолига чармпойабзал маҳсулотлари етказиб бериш ҳажми йил сайин ошмоқда. Биргина 2015 йилнинг тўққиз ойида фақат уюшма тизимидаги хўжалик юритувчи субъектларда 316,5 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари, 117,4 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари, 342 миллион кв.дм. чарм маҳсулотлари, 4 миллион 135 минг жуфт пойабзал, 3 миллиард 855 миллион сўмлик чарм-атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, барча йўналишда барқарор ўсиш суръатлари таъминланди.

Тери сифатли қайта ишланиб, бозор талаби чуқур ўрганилгани ҳолда, маҳсулотлар замонавий дизайн асосида тайёрланаётгани туфайли уларнинг рақобатдошлиги ошаётир.

Ўтган даврда пойабзалларнинг 300 дан ортиқ янги модели, чарм-атторлик маҳсулотларининг эса 70 турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани ана шундай саъй-ҳаракатлар мевасидир. Пировардида қарийб 80 миллион АҚШ долларилек чарм-пойабзал маҳсулотлари экспортга йўналтирилди. Маҳсулотларимизни импорт қилаётганлар орасида мазкур соҳа тараққий этган Италия, Испания, Корея Республикаси, Хитой каби мамлакатларнинг борлиги кишини қувонтиради. Мутахассисларнинг эътирофи этишича, бу республикамызда тайёрланаётган маҳсулотлар жаҳон стандартларига ҳар томонлама жавоб бераётганининг амалий тасдиғидир.



Чиндан ҳам, тизимдаги мавжуд қувватлар модернизация қилиниб, энг замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланаётгани муваффақиятларни таъминлаяпти. Масалан, бу йил Инвестиция дастури доирасида тармоққа 12 миллион АҚШ доллари жалб этилиб, олтига инвестициявий лойиҳа амалга оширилаяпти. 2019 йилгача эса жами 61 ана шундай лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиши белгиланган. Ушбу мақсадда 70,4 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилиши 1800 га яқин иш ўринлари яратиш, 398,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

— Жорий йилдан эътиборан чарм-пойабзал соҳасини жадал ривожлантиришга хизмат қиладиган яна бир истиқболли лойиҳа рўёбга чиқарилаяпти, — дейди уюшма раиси ўринбосари Шарифжон Шералиев. — Яъни 13 миллион доллар сармоя йўналтирилиб, республикамиз вилоятларида замонавий кичик кушхоналар ишга туширилаяпти. Уларни бунёд этишда хориж тажрибаси, ўзбекона анъаналар тўлиқ инobatга олиниб, чиқитсиз технология жорий этилмоқда. Чунки янги мажмуаларда чорва молларини қабул қилишдан тортиб, терини қайта ишлашгача бўлган жараён тўлиқ камраб олинади. Келгусида эса бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайтирилиб, юртимизнинг барча ҳудуди, хусусан, чорвачилик ривожланган Қашқадарё, Навоий, Бухоро вилоятларида кўплаб ана шундай кушхоналар фойдаланишга топширилиши кўзда тутилаяпти. Анжуманда, шунингдек, соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш, аёллар, болалар пойабзаллари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, енгил саноат, мебелсозлик ва автомобилсозлик саноати учун чарм маҳсулотлари етказиб бериш бўйича ҳаётга татбиқ этилаяётган инвестициявий лойиҳалар, уларнинг аҳамияти ҳақида атрофлича маълумот берилди.

---

Атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик барқарорликни таъминлаш масаллари депутатлар муҳокамасида Мустақиллик йилларида экологик муаммоларни бартараф этиш ва уларнинг салбий оқибатларини олдини олиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Юртимизнинг барқарор ривожланиши, аҳоли фаровонлиги ҳамда саломатлиги, шунингдек, экотизимлар

ва атроф-муҳитнинг табиий ҳолатини сақлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уни қайта тиклаш ишлари изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Буларнинг барчаси, албатта, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, жумладан, экологик барқарорликни таъминлаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, замонавий ҳамда тоза технологияларни жорий этиш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг бугунги кундаги долзарб масалаларини ҳал этиш жараёнларида нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқ ва ваколатларининг кенгайтирилиши амалга оширилаётган ислохотларнинг изчиллигини таъминлашда янада кенгрок имкониятлар яратмоқда. Айниқса, бу борада Ўзбекистон экологик ҳаракати ташкил этилгани муҳим аҳамият касб этди. Бугунги кунда мазкур соҳадаги муносабатларнинг ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, улар “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Чиқиндилар тўғрисида”ги, “Экологик экспертиза тўғрисида”ги, “Экологик назорат тўғрисида”ги каби 30 дан зиёд қонунлар билан тартибга солиб келинмоқда. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар юртимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва экологик мувозанатни таъминлашдек муҳим ижтимоий масалалар рўйида салмоқли ўрин тутмоқда.

Экология ва атроф-муҳит муҳофазасига парламент томонидан ҳам муҳим масала сифатида қараб келинмоқда. Бу борада соҳага оид қонунларнинг жойлардаги ижроси қуйи палата депутатлари фаолиятида назорат-таҳлил тартибида доимий тарзда ўрганиб борилмоқда. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш,

экологик таълим соҳасидаги қонунчилик ва меъёрий-услубий базани ривожлантириш борасидаги тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида”ги ахбороти эшитилди. Таъкидландики, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан мазкур соҳадаги қонунларнинг талаблари, шунингдек, ҳукуматимизнинг 2013 йил 27 майда тасдиқланган 2013 — 2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури асосида бир қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонуннинг ижросини самарали амалга ошириш мақсадида бир қатор қонуности ҳужжатлари, жумладан, “Давлат экологик назоратини амалга ошириш тартиби ҳақидаги низом”, “Экологик хизмат тўғрисидаги намунавий низом”, “Экологик назоратнинг жамоатчи инспектори тўғрисидаги низом”, “Жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Намунавий низом”лари ишлаб чиқилди ва тегишли тартибда тасдиқланди. Бу эса мазкур соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, дастурда кўзда тутилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлашга замин яратди. Мажлис давомида депутатлар Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг эътиборини тизим ходимларининг ҳамда меъёрий-техник ҳужжатларни ишлаб чиқувчи ташкилотларнинг экологик хизматлари ходимларининг касбий малакаларини ошириш, экологик тарбия, таълим тизимини ривожлантириш, экологик билимларни тарғиб қилиш ва аҳоли хабардорлигини ошириш ҳамда жамоатчиликнинг экологик билимларини юксалтириш ва уни атроф-муҳит муҳофазаси жараёнига жалб қилиш борасида олиб борилаётган ишларни янада жонлантириш зарурлигига қаратдилар.

Шу билан бирга, Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари, қўмиталарнинг назорат-таҳлил соҳасидаги фаолиятида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши, бу соҳадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш ва уларни қўллаш амалиётини яхшилаш борасида қўшимча чора-тадбирлар белгилашлари ҳам алоҳида таъкидланди.

Қонунчилик палатаси юқоридаги масала бўйича тегишли тавсияларни ўз ичига олган қарор қабул қилди.

---

#### Харидчунтаклиф

Айни пайтда мураккаб вазиятни бошдан кечираётган Япониянинг “Sharp” компанияси ушбу ҳолатдан чиқиб кетиш учун барча зарур чораларни кўраяпти. Жумладан, компания маъмурияти савдо ҳажмини ошириш ниятида ходимларидан ўз маҳсулотларини сотиб олишни сўради. Манбада изоҳланишича, албатта, бу қатъий талаб эмас. Лекин кимдир маиший техника ва электроника воситалари харид қилиш ниятида бўлса, танловни, энг аввало, қадрдон корхонасидан бошлагани мақсадга мувофиқлиги тавсия этилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, сўнгги йилларда “Sharp” фаолияти у қадар яхши ривожланмаяпти. Масалан, компания Шимолий Америка бозоридан чиқиб кетишга мажбур бўлди. Бундан ташқари, бошқа рақобатчилар томонидан худди шу турдаги маҳсулотлар арзон баҳоларда таклиф этилаётгани ҳам унинг савдоси пасайишига олиб келаётгир.

Аэропорт ёпиб қўйилди

АҚШнинг Карлсбад шаҳри (Калифорния штати)даги аэропортда кўнгилсиз воқеа юз берди. Гап шундаки, бу ерда вертолёт кулаб тушди. Оқибатда ёнгин келиб чиқиб, унинг бортида бўлган икки киши ҳаётдан кўз юмди. Ушбу ходиса туфайли аэропорт вақтинча ёпиб қўйилди. Мутахассислар фалокат сабабини аниқлашмоқда.

Кутилганидан паст

Октябрь ойида Буюк Британияда чакана савдо ҳажми, тахмин қилинганидек, 0,5 фоиз ўрнига 0,6 фоиз пасайган.

Шунга қарамай, бу борадаги йиллик кўрсаткич 3,8 фоиз ўсган, дейилади мамлакат миллий статистика бошқармаси маълумотида. Ўтган ойда автомобиль ёнилғиси учун харидлар миқдори аввалги ойдагига нисбатан 1,7 фоиз ошгани бунда муҳим омил бўлди.

Статистикага кўра, Буюк британияликлар озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олишга 0,3, кийим-кечаклар ва уй жиҳозлари харид қилишга аввалги ойдагига нисбатан тегишли равишда 1,8 ва 0,8 фоиз кам маблағ сарфлашган.

**Тезкор** **чора** **кўрилди**

Уэльс пойтахти Кардифф шаҳридаги пўлат ишлаб чиқарувчи корхонанинг ертўласида портлаш рўй берди. Натижада ёнгин келиб чиқди, беш киши жароҳатланди. Қурбонлар ҳақида маълумотлар йўқ. Фавқулодда ҳолат туфайли ходимлар зудлик билан эвакуация қилиниб, “тилсиз ёв” бартараф этилди.

**Ноёб** **топилма**

Ботсвана ҳудудидаги “Karowe” конидан оғирлиги 1111 каратга тенг бўлган олмос топилди. Қиёслаш учун келтириб ўтиш жоиз, қимматбаҳо тошнинг ҳажми қарийб теннис коптокчасига тенг. Кон Канаданинг “Lucara Diamond Corp.” компаниясига тегишлидир. — Бу сўнгги юз йил ичида аниқланган энг катта олмос ҳисобланади, — дейди мазкур компания директори Уильям Лэм. — Шу боис ҳозир унинг қийматини баҳолаш мушкул. Бунгача дунёдаги энг катта жавоҳир 1905 йили Жанубий Африка Республикасида топилган. Унинг оғирлиги 3106 каратга тенг бўлиб, 2 миллиард АҚШ долларига баҳоланган эди.

## ТАРБИЯ ВА МАЪНАВИЯТ ЎҚОҒИ

Ўзбек миллий академик драма театрида Ёшлар ҳафталиги доирасида ташкил этилган талабалар театр-студиялари фестивали якунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбектеатр» бирлашмаси томонидан кўплаб таълим даргоҳларида ташкил этилган талабалар театр-студиялари ёшлар маънавиятини бойитиш, уларни саҳна санъатининг мумтоз намуналари билан яқиндан таништириш, ижодий фикрлаш қобилиятини ўстиришда муҳим омил бўлмоқда. Студияларга театр санъатига меҳр қўйган иқтидорли йигит-қизлар жалб этилиб, улар миллий ва жаҳон адабиёти асарларини саҳнада ижро этишмоқда.

## ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ СУРАТГА ОЛИНМОҚДА

Германиянинг Magna Mana Productions кинокомпанияси Ўзбекистон ҳақида ҳужжатли фильмни тасвирга олмоқда. “Ўзбекистон – афсонавий ўлка” номли ҳужжатли фильмни “Мега-инфо-тур” дастури доирасида Magna Mana Productions/Minework Films кинокомпанияси ЎзЭОАВМА билан ҳамкорликда суратга олмоқда.

## ШАҲЗОД АЗИЗОВ – ОЛТИН МЕДАЛЬ СОҲИБИ

Юртдошимиз Шаҳзод Азизов Россиянинг Калининград шаҳрида қўл жанги бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатининг вазни 60 килограмм бўлган спортчилар ўртасидаги баҳсида олтин медални қўлга киритди.

## ЎЗБЕКИСТОН – ИСТЕЪДОДЛАР МАМЛАКАТИ

Ака-ука Жавоҳир ва Исломбек Синдоровлар 2014 йилда Грециянинг Кавала шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган рапид – тезкор шахмат бўйича жаҳон чемпионатида ўз ёш тофасида жаҳон чемпиони бўлган эдилар. 2015 йилда Таиланднинг Паттайя шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Жавоҳир Синдоров Ватанимиз шарафини яна бир бор муносиб ҳимоя қилди. У мусобақанинг олтин медалини қўлга киритди.

**Ахборот соати раҳбари**

**Тугалов А**